ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВА НАФИСА ТИЛЛАЕВНА

АСАЛШИРАЛИ ЎРМОН ЎСИМЛИКЛАРИНИ ТУР ТАРКИБИ, ГУЛЛАШ ДАВОМИЙЛИГИ ВА АСАЛ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ (Сурхондарё вилояти шароитида)

06.03.01 - Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

УЎК:634.956+638.132

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Атамуратова Нафиса Тиллаевна
Асалширали ўрмон ўсимликларини тур таркиби, гуллаш давомийлиги ва асал маҳсулдорлигини тадқиқ қилиш (Сурхондарё вилояти шароитида).....3

Атамуратова Нафиса Тиллаевна
Исследование лесных медоносных растений по видовому составу, продолжительности цветения и медопродуктивности (в условиях Сурхандарьинской области).....21

Atamuratova Nafisa Tillaevna
Study of forest honey plants in terms of species composition, duration of flowering and honey productivity (in the conditions of Surkhandarya region).....37

Эълон қилинган ишлари рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....41

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВА НАФИСА ТИЛЛАЕВНА

АСАЛШИРАЛИ ЎРМОН ЎСИМЛИКЛАРИНИ ТУР ТАРКИБИ, ГУЛЛАШ ДАВОМИЙЛИГИ ВА АСАЛ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ (Сурхондарё вилояти шароитида)

06.03.01 - Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси екистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Qx551 рақам билан хатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-ифасида (www.agrar.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) лаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Буриев Хасан Чутбаевич** биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Кайимов Абдухалил** қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
	Хожиматов Олимжон Каххорович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 24 октябр соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 549066-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй.Тошкент давлат аграр университетинингАхборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 12 октябр куни тарқатилди.

(2023 йил 30 августдаги 60-рақамли реестр баённомаси).

Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З.Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., (PhD) доцент.

С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида XXI асрнинг охирларига келиб, “табиий ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, иқлим шароитнинг ўзгариши, ўсимликлар биохилма-хиллигининг қисқариши натижасида ўсимлик дунёсининг учдан икки қисми йўқолиб кетиши тахмин қилинмоқда”[1]. Маълумотларга қараганда “дунё бўйича йилига 1 850 868 тонна асал ишлаб чиқарилади. Хитой йилига 457 203 тонна, Туркияда 114.113 тонна, Аргентина 79 468 тонна, АҚШ 69,104 тонна ишлаб чиқариш билан етакчилик қилмоқдалар”[2]. Ўзбекистоннинг асалширали флораси 63 оила ва 295 туркумга мансуб 964 тур ўсимликлардан иборат бўлиб, йиллик асал ишлаб чиқариши 14 000 тоннага тенг. Шу сабабли Сурхондарё вилояти шароитида асалширали ўсимликлар биохилма-хиллигини, тур таркибини, турларнинг гуллаш муддатлари, уларнинг давомийлигини, нектар ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш долзарб масала хисобланади.

Бугунги кунда дунё бўйича ўсиб бораётган аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва сифатини ошириш, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўсимликлар биохилма-хиллигидан оқилона фойдаланиш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан Хитой, Туркияда, Аргентина, АҚШ, Россия давлатларида асалширали ўсимликлар биохилма-хиллигини асраш, кўпайтириш ва улардан олинадиган асал маҳсулотлари самарадорлигини ошириш бўйича янги замонавий технологиялар ва тавсиялар ишлаб чиқилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Ўзбекистон шароитида асалширали ўсимликлар биохилма-хиллиги, тур таркиби, гуллаш муддатлари ва давомийлигини, асал ва нектар маҳсулдорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, Сурхондарё вилоятнинг чўл, адир, тоғли ҳудудларида асалширали ўсимликларнинг тарқалиш динамикаси ва ҳозирги экологик ҳолатини аниқлаш, турларинининг гуллаш муддатлари, уларнинг давомийлиги бўйича фенологик календарлар тузиш, нектар ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш, асалширали аниссимон лофант *(Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze*.)* ва баҳорги рапс *(Brassica napus* L.*)* ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш, экиб ўстириш ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш бўйича етарлича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Ўсимликлар биохилма-хиллигини асраш, улардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш”[3] белгилаб қўйилган бўлиб, озиқ-овқат

[1]The Gran Canaria Declaration / S. Blackmore et al. - BGCI, Richmond, U.K., 2000.-P.2-6.
[2]https://www.atlasbig.com/en-us/countries-by-honey-production
[3]ЎзР Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”гиПФ-60-сонли фармони.

маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асалширали ўсимликлар ареалини кенгайтириш, асаларичиликда экспортбоп маҳсулотлар салмоғини ошириш долзарб вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Сурхондарё вилоятнинг чўл, адир, тоғли ҳудудларида ёввойи ва маданий асалширали ўсимликларнинг тарқалиш динамикаси ва ҳозирги экологик ҳолатини аниқлаш, гуллаш муддатлари ва уларнинг давомийлиги бўйича фенологик календарлар тузиш, нектар ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш, асалширали аниссимон лофант ва рапс ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, экиб ўстириш ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш, экологик ва иқтисодий самарадорлигини тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сон "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон "2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги ва уларнинг асал маҳсулдорлиги бўйича тадқиқотлар хорижий мамлакатлардан АҚШда Е.Н.Костилева, Англия ва Шотландия Д.Л.Мак-Грегор, Грузия ва Латвияда Г.И.Мчедлишвили, Россияда Н.С.Тумаков, А.Н.Бурмистров, Т.П.Самохвалова, В.Б.Дроздовлар, Д.В.Гирин, А.В.Липиналар, Украинада П.М.Берегова, П.А.Горбенко, В.Н.Блонская, Белоруссияда Е.Т.Клименкова, Л.Г.Кушнир ва А.И.Бочило томонидан, Азарбайжонда А.М.Кулиев, Венгрияда З.Буйташ, Қозоғистонда Г.С.Айнагулова, И.Г.Антропов, С.Г.Миньков, Қирғизистонда Ю.С.Льнов, Е.П.Прибылова, Тожикистонда Н.К.Еремина томонида олиб борилган.

Ўзбекистонда ҳам асалширали ўсимликларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари В.Д.Лайок, М.И.Иванова-Паройская, Л.Л.Булгакова, Г.Х.Хамидов, М.О.Буранова, Р.С.Сабировлар, Р.Мухаметзанова томонидан ўрганилган. Қашқадарё вилояти асалширали ўсимликлар қоплами М.О.Буранова томонидан қисман ўрганилган. Хоразм вилоятида ёввойи ва маданий асалширали ўсимликларнинг турлари Г.Х.Хамидов, Р.С.Сабиров томонидан аниқланган. Сирдарё ўрта оқимининг қирғоқ зонасидаги асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги Л.Л.Булгакова томонидан

ўрганилган.

Аммо сўнги йилларда Сурхондарё вилояти шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари учун ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, ёввойи асалширали ўсимликлар тарқалган майдонларнинг қисқариши, шунингдек маданий асалширали ўсимликларнинг эса кўпайишига олиб келмоқда. Вилоятнинг чўл, адир, тоғли ҳудудларида ёввойи ва маданий асалширали ўсимликларнинг тарқалиш динамикаси ва ҳозирги экологик ҳолатини аниқлаш, гуллаш муддатлари ва уларнинг давомийлиги бўйича фенологик календарлар тузиш, нектар ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш, асалширали аниссимон лофант *(Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze) ва баҳорги рапс *(Brassica napus* L.*)* ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини, ўсиш-ривожланишини ўрганиш, асал маҳсулдорлигини аниқлаш, экологик ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедрасининг №19-1 сонли “Ўзбекистон ўрмонларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Сурхондарё вилояти шароитида асалширали ўсимликлар биохилма-хиллигини аниқлаш ва уларнинг тур таркибларини таҳлил қилиш, уларнинг биоэкологик хусусиятларини, ҳамда ёввойи ва маданий ўсимликларнинг нектар маҳсулдорлигини ўрганиш ва улардан асаларичиликда самарали фойдаланиш масалаларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Сурхондарё вилоятининг асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллигини, тур таркибини ва чўл, адир, тоғ ҳудудларида тарқалишини тадқиқ этиш;

ёввойи ва маданий асалширали ўсимликларнинг муҳим турларининг гуллаш муддатлари, уларнинг давомийлигини аниқлаш ва фенологик календарлар тузиш;

кенг тарқалган асалширали ўсимликларнинг нектар ва асал маҳсулдорлигининг аниқлаш;

вилоятга кириб келган баъзи ноаънанавий ва маданий (аниссимон лофант ва рапс) ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва асал маҳсулдорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: Тадқиқот объекти Сурхондарё вилоятининг 59 оила, 270 туркум ва 668 турга мансуб бўлган ёввойи ўрмон ва маданий асалширали, чанг берувчи ва баҳорги рапс *(Brassica napus* L.*)* ҳамда аниссимон лофант *(Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze) ўсимликлари.

Тадқиқотнинг предмети сифатида чўл текислик, тоғ этаклари ва тоғли

худудларда ўсадиган ёвойи ва маданий ўсимликлар, гуллаш муддатлари, давомийлиги, фенофазалар бўйича календар тузиш, асал ва нектар маҳсулдорлиги, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши, экологик ва иқтисодий самарадорлиги хизмат қилади.

Тадқиқот усуллари: Асалширали ўсимликларнинг ўсимлик қопламида тарқалиши, икки хил усулда, яъни стационар ва геоботаник маршрутлар бўйича аниқланган, ўсимликларнинг турларини аниқлашда йиғилган гербарий намуналари асосида ва Термиз Давлат Университети ботаника кафедраси гербарийларидан, тур таркибини аниқлашда "Ўзбекистон флораси" (2019) қўлланмасидан фойдаланилган, асалширалилик даражасини аниқлашда ёввойи ва хонаки асаларининг гулшира ва чанг йиғишини визуал кузатилган, ўсимликларни фенологик кузатиш И.Н.Бейдеман (1974) усулида, гуллаш муддатлари аниқлашда Е.К.Пономарева (1980) таснифи бўйича, фенологик кузатувлар асосий асалширали ўсимликлар модел ўсимликларда А.С.Молостов (1966) усулида олиб борилган, гулширанинг макро-микроэлементлари EDX-8100 энергия дисперсли рентген-флуоресанс спектрометрида аниқланган, маълумотларнинг статистик таҳлили «Методика полевого опыта» (Б.А.Доспехов, М.: 1985 й.) қўлланмаси ва Microsoft Exce1 дастури ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятининг асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги, тур таркиби 59 оила, 270 туркум ва 668 турдан иборат эканлиги, ҳаёт шакллари бўйича: дарахтлар - 36 тур (5,3%), буталар ва яримбуталар – 99 тур (14,8%), ўтлар 533 (79,7%) эканлиги аниқланган;

маданий ўсимликларнинг вегетациясининг бошланиши йилнинг иқлим шароитига боғлиқ бўлиб, одатда феврал ойининг охири ва март ойининг биринчи декадасига тўғри келиши, ялпи гуллаш даври 10-15 кун давом этиши аниқланган ва фенологик календарлар тузилган;

ёввойи асалширали ўсимликлар вегетациясининг бошланиши март ойининг иккинчи декадасига тўғри келиб, бу ўсимликларнинг ялпи гуллаш даври 15-20 кун давом этиши аниқланган ва фенологик календарлар тузилган;

вилоятнинг чўл текислик, (адир) тоғ этаклари ва тоғли ҳудудларда ўсадиган асалширали ўсимликларнинг асал маҳсулдорлиги мос равишда 6,5-56,6, 125,0-168,7, 12,5-53,0 кг/га бўлиши аниқланган;

баҳорги рапс ўсимликнинг 100 та гулдаги шакар миқдори 30,1 мг, нектар маҳсулдорлиги 64,4 кг/га, асал маҳсулдорлиги эса 80,5 кг/га ни ташкил этиши аниқланган;

аниссимон лофант ўсимлигининг 100 та гулдаги шакар миқдори 35,3 мг, нектар маҳсулдорлиги 108,0 кг/га, асал маҳсулдорлиги эса 135,0 кг/га ни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилоятнинг чўл текислик майдонларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг жинжакли формациялар ассоциацияси энг

юқори асал маҳсулдорлигига (50,0-56,6 кг/га), энг паст асал маҳсулдорлигига эса қорабошли (6,5-10,2 кг/га) формация эга бўлиши аниқланди. Янтоқ-қора саксовулли (25,5-28,8 кг/га) ва янтоқли (24,0-30,5 кг/га) формациялар юқори асал маҳсулдорлиги билан ажралиб туриши аниқланган;

вилоятнинг (адир) тоғ этакларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг абрукли формацияси энг кўп миқдорда нектар ажратиб чиқаради, ассоциацияларининг биологик асал маҳсулдорлиги 125,0-168,7 кг/га ни ташкил этади. Йирик ўтли–эфемероидли формация, бухоро бодоми ва тиканли бодом формацияларининг биологик асал маҳсулдорлиги ҳам юқори, мос равишда 25,0-46,2; 25,0-31,3; 31,3-36,4 кг/га ни ташкил этган;

вилоятнинг тоғли ҳудудида тарқалган асалширали ўсимликларнинг заранг формациясида нектар маҳсулдорлиги 25,0-53,0 кг/га, олма 12,5-50,0 кг/га, тулкиқуйруқли 17,0-33,5 кг/га, коврaкли 28,0-34,0 кг/га га етган;

маданий ўсимликларнинг вегетациясининг бошланиши йилнинг иқлим шароитига боғлиқ бўлиб, одатда феврал ойининг охири ва март ойининг биринчи декадасига тўғри келиши ва ялпи гуллаш даври 10-15 кун давом этиши аниқланган;

чўл текислик, тоғ этаклари ва тоғ ўсимликларининг биологик асал захираси бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра 2461,82 т, йиғиб олиниши мумкин бўлган асал захираси эса 822,88 т ни ташкил этган, бу эса вилоят шароитида асалширали ўсимликларнинг кўпайтиришга ва асаларичиликни ривожлантиришга асос бўлган;

битта асалари оиласи бир йил мобайнида 100 кг га яқин асал истеъмол қилади, агар битта асалари оиласидан 20 кг товар асал йиғиб олиниши режалаштирилса Сурхондарё вилояти ҳудудида 6857 та асалари оиласини боқиш ва улардан ҳар йили 137,14 т товар асал олиш имконияти мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибаларини олиб боришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий натижаларга мослиги, тажриба натижаларининг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, тадқиқотлар натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ҳар йили ТошДАУ Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси йиғилишларида ҳисоботлар муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг илмий нашрларда чоп этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Сурхондарё вилояти шароитида асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги ўрганилганлиги, турлар таркибини таҳлил қилинганлиги, гуллаш муддатлари ва давомийлиги асосида

фенологик календар тузилганлиги, ёввойи ва маданий ўсимликларнинг нектар ва асал маҳсулдорлиги таҳлил қилинганлиги, асалширали рапс ва аниссимон лофант ўсимликларининг биоэкологик хусусиятлари, шунингдек, асалширали ўсимликларнинг қимматли хўжалик белгиларини ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти маданий ўсимликларнинг вегетациясининг бошланиши йилнинг иқлим шароитига боғлиқ бўлиб, одатда феврал ойининг охири ва март ойининг биринчи декадасига тўғри келиши ва ялпи гуллаш даври 10-15 кун давом этганлиги, чўл текислик, тоғ этаклари ва тоғ ўсимликларининг биологик асал захираси 2461,82 т ни ташкил этганлиги, 822,88 т асал олиш мумкинлиги, вилоят шароитида 6857 та асалари оиласини боқиш ва улардан ҳар йили 137,14 т товар асал олиш имконияти борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Асалширали ўрмон ўсимликлари тур таркиби, гуллаш давомийлиги ва асал маҳсулдорлигини тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

асал ва мой берувчи истиқболли баҳорги рапс ўсимлигини асал маҳсулдорлигини аниқлаш ишланмаси Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Жануб Анвар асали” МЧЖ да 1 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон асаларичилик уюшмасининг 2023 йил 17 июлдаги 78-06 сон маълумотномаси). Натижада баҳорги рапс экини 1 гектардан асал маҳсулдорлиги 80кг/га ни ташкил этиб, иқтисодий самарадорлиги ёки ялпи даромад 8 000,0 минг сўмни, соф фойда 7 750,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 96,87 %ни ташкил этган;

Сурхондарё вилояти шароитида асал ва эфир-мой берувчи истиқболли аниссимон лофант ўсимлигини асал маҳсулдорлигини аниқлаш ишланмаси Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Жануб Анвар асали” МЧЖ да 0,10 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон асаларичилик уюшмасининг 2023 йил 17 июлдаги 78-06 сон маълумотномаси). Натижада аниссимон лофант экини 0,10 гектардан асал маҳсулдорлиги 135кг/га ни ташкил этиб, иқтисодий самарадорлиги 13 500,0 минг сўмни, соф даромад 10 000,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 74,0 %ни ташкил этган;

Сурхондарё вилояти жанубий ҳудуди асаларичилик хўжаликлари учун кўчиш режа – графиги асосида 100 та асалари уялари Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Жануб Анвар асали” МЧЖ да жорий қилинган (Ўзбекистон асаларичилик уюшмасининг 2023 йил 17 июлдаги 78-06 сон маълумотномаси). Натижада харажатлар қисқариши ва товар асал ҳажми ўтган йилгига нисбатан 720 кг га ошган. Умумий фойда (товар асал ҳисобидан) 185,600,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 249,13 %ни ташкил этган;

Сурхондарё вилояти шимолий ҳудуди асаларичилик хўжаликлари учун кўчиш режа – графиги асосида 120 та асалари уялари Сурхон давлат қўриқхонаси қўриқланма ҳудудида (Буфер зона) да жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2023 йил 15мартдаги 01/18-1368 сон

маълумотномаси). Натижада апрел-май ойларида тиканли бодом ва зарангли формацияларда, май-июл ойларида абрукли формацияли майдонларда жойлаштирилиши эвазига 388,8 кг асал олинган. Умумий фойда (товар асал хисобидан) 212,600,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 197,3 %ни ташкил этган;

Сурхондарё вилояти жанубий ҳудуди асаларичилик хўжаликлари учун кўчиш режа – графиги асосида 100 та асалари уялари Сурхондарё вилояти ўрмон хўжаликларида жорий қилинган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2023 йил 15мартдаги 01/18-1368 сон маълумотномаси). Натижада умумий фойда (товар асал хисобидан) 185,600,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 249,13 %ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 4 таси хорижий (шулардан 2 таси Scopus базасида индексланган) журналларда, 10 та тезис илмий-амалий конференциялар тўпламларида (жумладан 5 таси халқаро) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги, биоэкологик хусусиятлари ва асаларичиликни ривожлантириш истиқболлари (адабиётлар шархи)”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва

республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги, турлари ва уларни тарқалиши, асалширали ва гулчанги берувчи ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ва уларнинг аҳамияти, асалширали ўсимликларнинг гуллаш муддатлари ва гулшира маҳсулдорлигини ўрганиш юзасидан илмий маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот объекти ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг рельефи, табиий тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг “Тажрибалар олиб борилган ҳудудларнинг рельефи, тупроқ ва иқлим шароитлари”деб номланган биринчи бўлимида асосий тажрибалар олиб борилган жойнинг рельефи, табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг “Тадқиқотларни ўтказиш услубиёти” бўлимида ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш услубиёти баён этилган.

Диссертациянинг **“Сурхондарё вилоятининг асалширали ўсимликларининг тур таркиби ва биохилма-хиллигининг таҳлили”** деб номланган учинчи бобидан бошлаб Сурхондарё вилоятнинг чўл текислик, (адир) тоғ этаклари, тоғли ҳудудларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлигини, асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги, флористик таркиби ва хаётий шаклларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба натижалари берилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Вилоятнинг чўл текислик майдонларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлиги” деб номланган бўлимида чўл текислик майдонларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлигини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

Биз хусусан қуйидаги ассоциацияларни: янтоқли-қора саксовулли, янтоқли-кардаминли, эфемерли-янтоқли, юлғунли-янтоқли, эфемерли-жинжакли, эфемероидли-жинжакли, янтоқли-жинжакли, читирли-қорабошли, шўраажриқли-ширинмияли, кендрли-ширинмияли ўрганганимизда шуни кўрсатдики. Текисликларнинг бой ва турли-туман флорасида асалширали ўсимликлар устунлик қилади, булар сассиқ коврак (*Ferula assa-foetida*), жунғор гулсапсари (*Iris songorica*); печак (*Convolvulus*), астрагал (*Astragalus excedens*), қум акацияси (*Ammodendron conollyi),* нафис кийикўт (*Ziziphora tenuior*), жинжак (*Lagonychium farctum*), юлғун (*Tamarix pentandra*), ингичкабарг жийда (*Elaeagnus angustifolia*), ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*), форс янтоғи (*Alhagi persarum*), сохта янтоқ (*Alhagi pseudalhagi*), кулрангли янтоқ (*Alhagi canescens*), сояли кузиния (*Cousinia umbrosa*), африка читири (*Strigozella africana*) турларидир. Гулчангига бой ўсимликлардан қизилгулли кўкнори (*Papaver pavoninum*), қизғалдоқ (*Roemeria refracta*), шунингдек бўйимадорон (*Achillea*), айиқтовон (*Ranunculus*), шамбала (*Trigonella*), бойчечак (*Gagea*), пиёз (*Allium*) туркумларининг турлари кенг тарқалганлиги аниқланди.

1- жадвал

Сурхондарё вилоятининг чўл текислик майдонларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг формация ва асал маҳсулдорлиги (2019-2021 йй)

Формация	Майдон, минг/га	Асал маҳсулдорлиги, кг/га	Биологик асал заҳираси, т.	Асал олиш имконияти, т.
Янтоқ–қора саксовулли	0,2	25,5-28,8	5,1 – 5,76	1,7 – 1,92
Кардаминли	0,177	23,0-26,4	4,07 – 4,67	1,4 – 1,6
Янтоқли	1,99	24,0-30,5	47,76-60,7	15,92-20,23
Юлғун-янтоқли	0,45	15,5-19,5	6.98-8,77	2,32-2,92
Жинжакли	4,7	50,0-56,6	236,5-267,7	78,83-89,23
Қорабошли	2,4	6,5-10,2	15,47-24,28	5,16 – 8,09

Текисликларда ўсадиган ўт-ўланларнинг асал маҳсулдорлиги 6,5 дан 56,6 кг/га гача ўзгариб туради. 1-жадвалдан кўриниб турганидек, жинжакли формациялар ассоциацияси энг юқори асал маҳсулдорлигига (50,0-56,6 кг/га), энг паст асал маҳсулдорлигига эса қорабошли (6,5-10,2 кг/га) формация эга. Янтоқ-қора саксовулли (25,5-28,8 кг/га) ва янтоқли (24,0-30,5 кг/га) формациялар юқори асал маҳсулдорлиги билан ажралиб туради, тегишлича улар ассоциацияларининг асалширалиги ҳам юқори бўлади.

“Вилоятнинг (адир) тоғ этакларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлигини ўрганиш” деб номланган бўлимида (адир) тоғ этакларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлигини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

2- жадвал

Сурхондарё вилоятининг адир зонасида учрайдиган асалширали ўсимликларнинг формация таркиби ва асал маҳсулдорлиги (2019-2021 йй)

Формация	Майдон минг/га	Асал маҳсулдорлиги, кг/га	Биологик асал заҳираси, т.	Асал олиш имконияти, т.
Абрукли	2,3	125,0-168,7	287,5-388,01	95,83–129,34
Йирик ўтли–эфемероидли	10,5	25,0-46,2	262,5-485,1	87,5-161,7
Тиканли бодом	8,0	31,3-36,4	250,4-291,2	83,46-97,06
Бухоро бодомли	10,5	25,0-31,3	262,5-328,65	87,5-109,55
Хандон пистали	10,8	18,75-20,15	202,5-217,62	67,5-72,54

Адир минтақасининг ўсимлик қопламида майда ўтли-эфемероид ва майда ўтли-эфемер гуруҳи формацияларининг фитоценозлари муҳим ўрин эгаллайди. Тоғ бағирларидаги текисликлар ва тоғ этакларидаги тупроқларда чўл қиёқўти ва пиёзсимон қўнғирбош эфемероидлари устунлик қилади. У ёки бу даражада

юмшоқ ён бағирлар ва текисликларда узунтукли қилтиқ (*Taeniatherum crinitum*), ялтирбош (*Bromis scoparius*), арпалар (*Hordeum leporinum, Hordeum spontaneum*) ва қасмалдоқ (*Aegilops triuunciales*) каби гул чанги берувчи ўсимликлар устунлик қилиши аниқланди.

Асосий ассоциацияларнинг асал маҳсулдорлиги бўйича 2-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, абрукли формацияси ўсимликлари энг кўп миқдорда нектар ажратиб чиқаради, ассоциацияларининг биологик асал маҳсулдорлиги 125,0-168,7 кг/га ни ташкил этади. Йирик ўтли–эфемероидли формация, бухоро бодоми ва тиканли бодом формацияси формацияларининг биологик асал маҳсулдорлиги ҳам юқори, мос равишда 25,0-46,2; 25,0-31,3; 31,3-36,4 кг/га ни ташкил этгани аниқланди.

“Вилоятнинг тоғли ҳудудида тарқалган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлигини ўрганиш” деб номланган бўлимида тоғли ҳудудида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг тур таркиби ва асал маҳсулдорлигини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

Тоғлар формациясининг ассоциациялари юқори биологик асал маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Заранг формацияси ассоциациялари энг юқори асал маҳсулдорлиги билан ажралиб туради, унинг ассоциациялари нектар маҳсулдорлиги 25,0-53,0 кг/га ни ташкил этади. Ундан кейин олма (12,5-50,0 кг/га) ва тулкиқуйруқли (17,0-33,5 кг/га) формациялари туради. Коврaкли формациясининг асал маҳсулдорлиги 28,0-34,0 кг/га га етади. Умуман олганда тоғ ассоциацияларидан 4,16-17,66 кг/га гача асал йиғиб олиниши мумкин.

3- жадвал

Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудида тарқалган асалширали ўсимликларнинг формация таркиби ва асалмаҳсулдорлиги (2019-2021 йй)

Формация	Майдон минг/га	Асал маҳсулдорлиги, кг/га	Биологик асал заҳираси, т.	Асал олиш имконияти, т.
Олмали	0,4	25,5-50,0	10,2-20,0	3,4-6,66
Заранг	5,6	25,0-53,0	140,0-296,8	46,66-98,93
Коврaкли	11,5	28,0-34,0	322,0-391,0	107,3-130,3
Тулкиқуйруқли	6,5	17,0-33,5	110,5-217,7	36,83-72,58

“Сурхондарё вилояти асалширали ўсимликларнинг биохилма-хиллиги, флористик таркиби ва хаётий шакллари” деб номланган бўлимида вилоятда ўсадиган асалширали ўсимликларнингбиохилма-хиллиги, флористик таркиби ва хаётий шаклларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

Сурхондарё вилоятининг асалширали ёввойи флораси 59 оила, 270 туркум ва 668 турдан иборат эканлиги аниқланди, бу вилоятда ўсадиган турларнинг

40% га яқинни ташкил этади. Мазкур оилаларнинг асалширали ўсимликларнинг ҳаёт шакллари ҳам турличадир. Сурхондарё вилоятининг флораси бўйича улар қуйидаги тарзда тақсимланади: дарахтлар - 36 тур (5,3%), буталар ва яримбуталар – 99 тур (14,8%), ўтлар 533 (79,7%).

Туркумлар сони бўйича биринчи ўринда астрадошлар (*Asteraceae*) - 35 туркум, иккинчи ўринда лабгулдошлар (*Lamiaceae*) - 25, бурчоқдошлар (*Fabaceae*) – 23, селдердошлар (*Apiaceae*) ва раъногулдошлар (*Rosaceae*) - 22, учинчи ўринларда карамдошлар (*Brassicaceae*) -17 туркумни ўз ичига олади.

Ўнта оила энг кўп турга эга эканлиги билан ажралиб туради: астрадошлар (*Asteraceae*) - 93 тур, бурчоқдошлар (*Fabaceae*) - 71 тур, атиргулдошлар (*Rosaceae*) - 67 тур, лабгулдошлар (*Lamiaceae*) - 53 тур, лоладошлар (*Liliaceae*) – 50 тур, селдердошлар (*Apiaceae*) - 49 тур, карамдошлар (*Brassicaceae*) - 35 тур, айиқтовондошлар (*Ranunculaceae*) - 26 тур, кампирчопондошлар (*Boraginaceae*) - 19 тур, сигирқуйруқдошлар (Scrophylariceae) -14 турни ташкил этади. Улар асалширали ўсимликлар бутун таркибининг ярмидан кўпини (71,4 %) қамраб олиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Вилоятнинг асосий асалширали ўсимликларнинг гуллаш муддати, давомийлиги ва кетма-кетлигини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобида маданий ва ёввойи асалширали ўсимликларни гуллаш муддатларини илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Маданий асалширали ўсимликларни гуллаш муддатлари” деб номланган бўлимида маданий асалширали ўсимликларни гуллаш муддатлари таҳлил қилинган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, минтақада биринчи бўлиб бодом гуллайди (феврал ойининг охири ва март ойининг боши), сўнгра ушбу фенофазага ўрик, олма, тол ва қайрағоч (*Ulmus*) киради. Апрел ойининг бошларида олхўри, тоғолча, нок, гилос гуллайди, бироз вақтдан кейин шафтоли ва бехи, манзарали ўсимликлардан эса оқ терак (*Populus alba*), айлант (*Ailanthus altissima*), гледичия (*Gleditschia triacanthos*), оқ акация (*Robinia pseudacacia*) каби ўсимликларнинг гуллаши кузатилади. Ушбу ўсимликларнинг ялпи гуллаши 10-15 кун давом этиши аниқланди.

Йилнинг иқлим шароитига қараб баъзи энтомофил маданий ўсимликлар масалан ғўза ва сабзавот-полиз экинларнинг гуллаш муддати август-сентябр ойигача чўзилиши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Ёввойи асалширали ўсимликларнинг гуллаш давомийлиги»деб номланган бўлимда ёввойи асалширали ўсимликларнинг гуллаш давомийлиги баён этилган.

Март ойининг иккинчи декадасида биринчи бўлиб қуйидаги ўсимлик турлари гуллаши аниқланди - королков заъфарони (*Crocus korolkovii*), савағич (*Erianthus longistipitata*), жаг жаг (*Capsella bursa pastoris*). Бу турларнинг ялпи гуллаши 15-20 кун давом этди. Апрел ойининг бошларида гуллаш фазаси чучмома (*Ixiolirion tataricum*), исириқ (*Peganum harmala*), туятовон (*Zygophyllum oxianum*), ўрмаловчи болтириқ (*Cardaria repens*), *Strigozella africana, Strigozella turkestanica,* оддий зирк (*Berberis vulgaris*), эрбаҳо

(*Gentiana olivieri*) каби ўсимлик турларида бошланди. Апрел ойининг охири ва май ойининг бошларида гул шира берувчи ўсимликлардан йирикгулли шамбала (*Trigonella grandiflora*), эспарцет (*Onobrychis micrantha*), гўзал эспарцет (*Onobrychis pulchella*), суғд ширачи (*Eremurus sogdianus*), доривор қоқиўт (*Taraxacum offisinale*), асалари учун чанг берувчи ўсимликлардан эса қизғалдоқ (*Roemeria refracta*), қизилгулли кўкнори (*Papaver pavoninum*), қизғиш отқулоқ (*Rumex conglomeratus*), ланцетсимон зубтурум (*Plantago lanceolata*) ўсимликларнинг гуллаши кузатилди.

Фенологик кузатишларимизни умумлаштирганимизда олиб борган кузатишлар шуни кўрсатдики Сурхондарё вилоятининг барча ҳудудларида тарқалган маданий ва ёввойи асалширали ўсимликларнинг энг муқобил гуллаш ва сермаҳсул даври май ойидан июн ойигача деб аниқланди. Ушбу даврда асалширали ўсимликларнинг кўп гуллаши ва асаларилар уясига гул шира миқдорини олиб келиниши юқори бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Ўрмон асалширали ўсимликларнинг нектар-асал маҳсулдорлиги, асалширали рапс ва аниссимон лофант ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва онтогенез босқичларини таҳлили”** деб номланган бешинчи бобида ўрмон асалширали ўсимликларнинг нектар-асал маҳсулдорлиги илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Ўрмон асалширали ўсимликларининг нектар ва асал махсулдорлиги” деб номланган бўлимида ўрмон асалширали ўсимликларининг нектар ва асал махсулдорлиги таҳлил қилинган.

Самарали нектар маҳсулдорлиги билан дарахт – буталардан: бухоро бодоми (*Amygdalus bucharica*) 394, тиканли бодом (*Amygdalus spinosissima*) 300, жунғор толи (*Salix songarica*) 131, тукли заранг (*Acer pubescens*) 96,9, туркистон заранги (*Acer turkestanicum*) 71, понтик дўланаси (*Crataegus pontica*) 97,8, туркистон дўланаси (*Crataegus turkestanica*) 93,5, заравшон учқати (*Lonicera zeravschanica*) 71,7, Сиверс олмаси (*Malus sieversii*) 46,9 каби ўсимликлар ажралиб турди (битта ўсимлик асал маҳсулдорлиги граммларда ифодаладик). Минимал шакар миқдори (Х мг) сариқ андиз (*Inula grandis)* (2,0), заравшон иссопи (*Hyssopus zeravschanicus)* (4,9), сариқ резеда (*Reseda luteola)* (5,0), лёзел қуртанаси (*Sisymbrium loeselii)* (5,3), максимал даражада тиканли ковулда (*Capparis spinosa)* (2215), самарқанд меҳригиёси (*Onosma maracandicum)* (169), лехман эремостахиси (*Eremostachys lehmanniana)* (159), оқ бахмалгул (*Althaea nudiflora)*(155), гулҳайри (*Althaea ludwigii)* (108), энсизбаргли боқла (*Vicia angustifolia)* (136,8), кендир (*Apocynum scabrum)* (128), ҳисор қуддуси (*Stachyshissarica)* (63,5) ўсимликлар томонидан ажралиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Асалширали рапс (*Brassica napus* L.) ва аниссимон лофант (*Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze.) ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва онтогенез босқичлари таҳлили”** деб номланган бобида Сурхондарё вилояти шароитида асалширали рапс (*Brassica napus* L.) ваниссимон лофант (*Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze.) ўсимликларининг

виргинил (майса), ювенил, имматур, генератив босқичларида ўсиши, ривожланиши ва онтогенез босқичлари илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Сурхондарё вилоятида асалширали рапс ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва онтогенез босқичлари” деб номланган бўлимида асалширали рапс ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва онтогенези баён қилинган. Рапс ўсимлигининг биоморфологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш давомида қуйидаги асосий ўсиш ва ривожланиш даврларига ажратдик: латент, виргинил, генератив. Рапс ўсимлигини экишдан олдин уруғнинг морфологик тузилишини ўргандик. Уруғлари юмалоқ, диаметри 1,5 дан 3,0 мм гача, қорамтир-қўнғир рангли. 1000 дона уруғ оғирлиги 4,5±0,2 г ни ташкил этди.

Битта гулнинг гуллаб туриш муддати 30-35 соатни ташкил этди, салқин об-ҳаво шароитида ёки чанглатувчиларнинг йуқлиги натижасида 60-72 соатгача гуллаб туриши кузатилган бўлса, бир тўпгули 18-27 сутка, бир бутун ўсимликнинг гуллаш муддати 19-28 кунгача чўзилди. Рапс ўсимликнинг гуллари гулшира билан биргаликда сариқ рангли гулчанги билан ҳам таъминланди. Баҳорги рапс ўсимликнинг 100 та гулдаги шакар миқдори 30,1 мг, нектар маҳсулдорлиги 64,4 кг/га, асал маҳсулдорлиги эса 80,5 кг/га ни ташкил этганлиги аниқланди.



1-расм. Баҳорги рапс *(Brassica napus* L.*)* уруғларининг лаборатория шароитида ҳар хил ҳароратда унувчанлиги, % (2019-2021 йй.)

“Сурхондарё вилоятида асалширали аниссимон лофант ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва онтогенез босқичлари” деб номланган бўлимида асалширали аниссимон лофант ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва

хўжалик белгилари виргинил (майса), ювенил, имматур, генератив босқичларга бўлиб ўрганиш натижалари баён қилинган.

Аниссимон лофант (*Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze.*)* ўсимлигини экишдан олдин уруғнинг морфологик тузилишини ўргандик. Ўсимлигини уруғи овалсимон-уч қиррали, уруғнинг асоси кенгроқ бироз буртган, 3/1 қисми тукчалар билан қопланган бўлиб, тўқ-жигарранг. Уруғ узунлиги ўртача 0,98+0.06мм, эни 0,54+0.05мм, қалинлиги 0,43+0,05мм ни, 1000 дона уруғ оғирлиги ўртача 1,35+0,012 г ни ташкил этди.

Лофант ўсимлиги гулларида дихогамия яъни чангчи ва уруғчилари ҳар хил муддатларда етилиши кузатилди. Буларда чангчиларнинг уруғчига нисбатан олдинроқ ривожланишини аниқладик, яъни протеандрия ҳодисасини кузатдик. Гулларнинг кейинги фазасида куннинг биринчи ярмида соат 10 да гул ғунчаларнинг очилишини кузатдик. Дастлаб иккита узун чанг иплари бир бирига паралел жойлашган бўлса, иккита қисқа чангчи иплари улардан пастроқда жойлашди. Бу даврда уруғчи гулқурғонидан кўринмади. Соат 12 дан бошлаб юқоридаги узун чанг иплари бироз бир биридан узоқлашди, қисқа чанг иплари эса юқори тожбаргларига яқинлашган ҳолатда жойлашди.

Аниссимон лофант ўсимлигининг 100 та гулдаги шакар миқдори 35,3 мг, нектар маҳсулдорлиги 108,0 кг/га, асал маҳсулдорлиги эса 135,0 кг/га ни ташкил этганлиги аниқланди.



2-расм. Аниссимон лофант (*Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze.*)* уруғларининг лаборатория шароитида ҳар хил хароратда унувчанлиги, % (2019-2021 йй.)

Диссертациянинг **Асалширали ўсимликлар асал маҳсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги** бўлимида Олиб борган тадқиқотларимиз давомида вилоятнинг турли ҳудудларида асалширали ўсимликларнинг ажратадиган асал маҳсулдорлиги миқдорий кўрсатгичларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий самарадорлик ҳисоблаш имкониятини берди. Сурхондарё вилояти чўл, адир, тоғли ҳудудларнинг ёввойи асалширали ўсимликлар формациялари асал маҳсулдорлиги бўйича иқтисодий самарадорлигини келтирдик.

ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарё вилоятининг асалширали ўсимликлар флораси 59 оила, 270 туркум ва 668 турдан иборат эканлиги аниқланди, бу вилоятда ўсадиган турларнинг 40% га яқин қисмини ташкил этади. Шулардан астрадошлар (*Asteraceae*) - 93 тур, бурчоқдошлар (*Fabaceae*) - 71 тур, атиргулдошлар (*Rosaceae*) - 67 тур, лабгулдошлар (*Lamiaceae*) - 53 тур, лоладошлар (*Liliaceae*) - 50 тур, селдердошлар (*Apiaceae*) - 49 тур, карамдошлар (*Brassicaceae*) - 35 тур, айиқтовондошлар (*Ranunculaceae*) - 26 тур, кампирчопондошлар (*Boraginaceae*) - 19 тур, сигирқуйруқдошлар (*Scrophylariaceae)* 14 турни ташкил этиши аниқланди. Мазкур оилаларнинг асалширали ўсимликларнинг ҳаёт шакллари: дарахтлар - 36 тур (5,3%), буталар ва яримбуталар – 99 тур (14,8%), ўтлар 533 (79,7%).

2. Вилоятнинг чўл текислик майдонларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг жинжакли формациялар ассоциацияси энг юқори асал маҳсулдорлигига (50,0-56,6 кг/га), энг паст асал маҳсулдорлигига эса қорабошли (6,5-10,2 кг/га) формация эга бўлиши аниқланди. Янтоқ-қора саксовулли (25,5-28,8 кг/га) ва янтоқли (24,0-30,5 кг/га) формациялар юқори асал маҳсулдорлиги билан ажралиб туриши аниқланди.

3. Вилоятнинг адирларида ўсадиган асалширали ўсимликларнинг абрукли формацияси энг кўп миқдорда нектар ажратиб чиқаради, ассоциацияларининг биологик асал маҳсулдорлиги 125,0-168,7 кг/га ни ташкил этади. Йирик ўтли-эфемероидли формация, бухоро бодоми ва тиканли бодом формацияларининг биологик асал маҳсулдорлиги ҳам юқори, мос равишда 25,0-46,2; 25,0-31,3; 31,3-36,4 кг/га ни ташкил этади.

4. Вилоятнинг тоғли ҳудудида тарқалган асалширали ўсимликларнинг заранг формациясида нектар маҳсулдорлиги 25,0-53,0 кг/га, олма 12,5-50,0 кг/га, тулки қуйруқли 17,0-33,5 кг/га, ковракли 28,0-34,0 кг/га га етади.

5. Чўл ва адир зоналаридаги ёввойи ўтсимон асалширали ўсимликлар вегетациясининг бошланиши март ойининг иккинчи декадасига тўғри келиб, биринчи бўлиб - королков заъфарони (*Crocus korolkovii*), савағич (*Erianthus longistipitata*), жаг жаг (*Capsella bursa pastoris*). Бу турларнинг ялпи гуллаши 15-20 кун давом этиши аниқланди.

6. Битта ўсимликдаги асал маҳсулдорлиги билан дарахт – буталардан: бухоро бодоми (*Amygdalus bucharica*) 394 г, тиканли бодом (*Amygdalus*

spinosissima) 300 г, жунғор толи *(Salix songarica*) 131 г, тукли заранг (*Acer pubescens*) 96,9 г, туркистон заранги (*Acer turkestanicum*) 71 г, понтик дўланаси (*Crataegus pontica*) 97,8 г, туркистон дўланаси (*Crataegus turkestanica*) 93,5 г, заравшон учқати (*Lonicera zeravschanica*) 71,7 г, ёввойи олма (*Malus sieversii*) 46,9 г каби ўсимликлар ажралиб турди. Минимал шакар миқдори (X, мг) сариқ андиз (*Inula grandis*) (2,0), заравшон иссопи (*Hyssopus zeravschanicus*) (4,9), сариқ резеда (*Reseda luteola*) (5,0), лёзел қуртанаси (*Sisymbrium loeselii*) (5,3), максимал даражада тиканли ковулда (*Capparis spinosa*) (2215), самарқанд меҳригиёси (*Onosma maracandicum*) (169), лехман эремостахиси (*Eremostachys lehmanniana*) (159), оқ бахмалгул (*Althaea nudiflora*) (155), гулҳайри (*Althaea ludwigii*) (108), энсизбаргли боқла (*Vicia angustifolia*) (136,8), кендир (*Apocynum scabrum*) (128), ҳисор қуддуси (*Stachys hissarica*) (63,5) ўсимликлар томонидан ажралиши аниқланди.

7. Баҳорги рапс ўсимлигининг 100 та гулдаги шакар миқдори 30,1 мг, нектар маҳсулдорлиги 64,4 кг/га, асал маҳсулдорлиги эса 80,5 кг/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

8. Аниссимон лофант ўсимлигининг кунлик ва мавсумий гуллаш динамикаси май ойининг III декадасидан июнь ойининг ўрталаригача давом этди. Ялпи гуллаш даври узоқроқ давом этиб, июль ойидан сентябр ўрталаригача ва якуний гуллаш сентябр ўрталаридан октябр оҳирларигача давом этиши аниқланди. Битта гулнинг гуллаш давомийлиги 2,5-3 кун давом этиши кузатилди. Аниссимон лофант ўсимлигининг 100 та гулдаги шакар миқдори 35,3 мг, нектар маҳсулдорлиги 108,0 кг/га, асал маҳсулдорлиги эса 135,0 кг/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАМУРАТОВА НАФИСА ТИЛЛАЕВНА

ИССЛЕДОВАНИЕ ЛЕСНЫХ МЕДОНОСНЫХ РАСТЕНИЙ ПО ВИДОВОМУ СОСТАВУ, ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТИ ЦВЕТЕНИЯ И МЕДОПРОДУКТИВНОСТИ (В условиях Сурхандарьинской области)

06.03.01 –Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов. Агромелиорация лесов и создание защитных лесов.

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам истрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики систан за номером B2023.2.PhD/Qx551

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	**Буриев Хасан Чутбаевич** доктор биологических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	**Каюмов Абдухалил** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	Хожиматов Олим Каххарович доктор биологических наук, профессор.
Ведущая организация:	Научно-иследовательский институт лесного хозяйства

Защита диссертации состоится « 23 » октября 2023 года.в 10^{00} часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская-2. Тел: (+99871)260-48-00; факс: (+99871)260-38-60;. e-mail:tgau@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 549066). Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 12 октября 2023 года
(реестр протокола рассылки № 60 от 30 августа 2023 года

Э.Т. Бердиев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

М.З. Холмуротов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н., доцент

С.А. Юнусов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно прогнозам, “к концу XXI века две трети растительного мира исчезнут в результате эксплуатации природных территорий, изменения климатических условий и сокращения растительного биоразнообразия”[1] . Согласно данным, “ежегодно в мире производится 1 850 868 тонн меда. Китай лидирует с годовым объемом производства 457 203 тонны, Турция - 114 113 тонн, Аргентина - 79 468 тонн и США - 69 104 тонны. Медоносная флора Узбекистана составляет 964 вида растений, относящихся к 63 семействам и 295 родам, а годовой объем производства меда составляет 14 000 тонн” [2]. Поэтому определение биоразнообразия медоносных растений, их видового состава, период цветения видов, их продолжительности, определение нектаро- и медопродуктивности в условиях Сурхандарьинской области является актуальной задачей.

Сегодня проводятся научные исследования по рациональному использованию растительного биоразнообразия с целью удовлетворения растущих потребностей населения в сельскохозяйственной продукции и повышения ее качества, а также обеспечения пищевой безопасности. В частности, в Китае, Турции, Аргентине, США, России разработаны и внедрены в производство новые современные технологии и рекомендации по сохранению и увеличению биоразнообразия медоносных растений и повышению эффективности получаемой из них медовой продукции.

В условиях Узбекистана проводились научные исследования по изучению биоразнообразия медоносных растений, видового состава, периодов и продолжительности цветения, медово-нектарной продуктивности. Однако недостаточно проведено научно-исследовательских работ по определению динамики распространения и современного экологического состояния медоносных растений в пустынных, предгорных и горных районах Сурхандарьинской области, составить фенологические календари по срокам цветения видов, их продолжительности, определить нектаро - и медопродуктивность, изучить биологические особенности и определение медопродуктивности лофанта аниссового *(Agastache foeniculum* (Pursh.) Kuntze.*)* и рапса ярового*(Brassica napus* L.*)*. В Стратегии развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 годы для дальнейшего развития Республики Узбекистан поставлены задачи «Сохранение растительного биоразнообразия, эффективное его использование, интенсивное развитие сельского хозяйства на научной основе»[3], а в целях обеспечения безопасности пищевой продукции, расширение площадей медоносов и увелечение количества экспортируемой продукции в пчеловодстве,

---

[1]The Gran Canaria Declaration / S. Blackmore et al. - BGCI, Richmond, U.K., 2000.-P.2-6.
[2]https://www.atlasbig.com/en-us/countries-by-honey-production
[3]Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». № УП-60

поставлена как неотложная задача. Определить динамику распространения и современное экологическое состояние дикорастущих и культурных медоносных растений в пустынных, предгорных и горных районах Сурхандарьинской области, составить фенологические календари по периодам цветения и их продолжительности, определить нектарную и медовую продуктивность, изучить биоэкологические свойства медоносных растений лофанта аниссового и рапса ярового, определить сроки посева и медопродуктивность, исследование эколого-экономической эффективности является актуальной задачей.

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 484 от 11 июня 2019 года «Об утверждении Стратегии сохранения биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы», № УП-5853 Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года» 2020-Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3327 от 16 октября 2017 года «Об утверждении Стратегии на период до 2030 года» и других нормативно-правовых документов.

